

РАЙОНЛАШТИРИЛГАН УЗУМНИНГ ХЎРАКИ НАВЛАРИ

Анварбекова Чарос Анварбек қизи
Хатамов Қурбонали Исройилжон ўғли
Сотболдиев Фурқатжон Азамжон ўғли

Аннотация: Ток навлари. Гули икки жинсли. Бутуниттифоқ ўсимлишунослик институтининг Ўрта Осиё тажриба станцияси (хозир Ўзбекистон ўсимлишунослик илмий тадқиқот институти). Гектаридан ўртача хосил.

Калит сўзлар: Ток, навлар, этдор, сершира, пўсти юпқа, ғужум

Кириш

Андижанский черний. Ертапишар (августда пишади). Халқ селекцияси томонидан етиширилган. Андижон, Фарғона, Тошкент, Самарқанд вилоятларида кенг тарқалган. Барги тўгарак ёки энига сал чўзиқроқ, беш бўлакчали. Гули икки жинсли. Узум боши ертача (200 г атрофида), цилиндрический ёки конуссиймон, ўртача тифиз. Ғужуми ўртача ва йирик, тухумсиймон ёки овалсиймон, қора ғубор билан қопланган, этдор, сершира, карсиллайди, хуштаъм. Тупи ергача ўсади. Гектаридан 160-180 ц хосил бериши мумкин. Қуритилса яхши майиз беради.

Гўзал қора. Ертапишар(августнинг иккинчи ярмида пишади). Бутуниттифоқ ўсимлишунослик институтининг Ўрта Осиё тажриба станцияси (хозир Ўзбекистон ўсимлишунослик илмий тадқиқот институти)да Каттақўрғон ва Додреляби навларини чатишириш орқали етиширилган (Журавель М.С., Негруль А.М., Мухамедов А.М.). Асосан Тошкент вилоятида кенг тарқалган. Барги катта, тўгарак, беш бўлакли ёки бутун. Барг шапалоғи воронкасиймон юқорига қайрилган, силлиқ. Гули икки жинсли. Узум боши катта (ўртача 550-600 г), конуссиймон шохланган. Ғужуми жуда йирик, думалоқ, қора, кўк убор билан қопланган, этдор, сершира, пўсти юпқа, хушхўр. Тупи кучли ўсади. Гектаридан 200-250 ц хосил бериши мумкин. Қуритилса яхши майиз беради.

Қора жанжал. (Қора семиз). Ёртача кечпишар (август охирлари сентябр ерталарида пишади). Халқ селекцияси томонидан яратилган. Тошкент Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида кўпроқ учрайди. Барги ўртача ва йирик, тўгарак, уч-беш бўлакли, тўқ яшил, ялтироқ, ост томони оч яшил. Гули икки жинсли. Узум боши жуда катта (ўртача 700-800 г ва ундан ортиқ), конуссиймон, ўртача зич. Ғужуми жуда йирик, овал ёки цилиндрический, этдор, сершира, хушхўр, қора, ғубор билан қопланган, пўсти қалин. Тупи кучли ўсади. Гектаридан 150-200 ц хосил бериши мумкин. Қуритилса яхши майиз беради.

Каттақўрғон (Маска). Кечпишар (сентябрда пишади). Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон, айниқса, Самарқанд, Тошкент, Наманган, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё

вилоятларида кенг тарқалган. Барги ўртача, тұғарак ёки бүйраксимон, уч-беш бұлакли, кам кертикли, қалин, түқ яшил. Гули функционал үрғочи. Узум боши катта (ўртача 300-600 г), кенг конуссимон, қанотли, шингиллари зич. Ғужуми йирик, овалсимон ёки тухумсимон, оч яшил, офтобга қараган томони оч сариқ, этдор, сершира, пүсти юпқа. Тупи кучли ўсади. Гектаридан ўртача (тұлиқ чангланганда) 120-150 ц хосил бериши мүмкін. Қоритилса «гермиён» деб аталувчи сифатли майиз беради.

Қызыл хурмойи. Ертапишар. Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистоннинг айниқса Хоразм вилояти, Қорақалпоистон Республикасида күп учрайди. Барги ўртача, тұғарак ёки күндалангига чүзиқроқ, беш бұлакли, оч яшил. Гули икки жинсли. Узум боши ўртача (200-250 г), конуссимон, тиғиз, банди мұрт, ғужуми йирик, овалсимон ёки цилиндровимон, түқ қызыл, этдор, сершира, пүстининг қалинлиги ўртача. Тупи кучли ўсади. Ўртача шўрланган ерлада хам яхши хосил беради. Гектаридан ўртача 150-160 ц хосил беради. Оидиум касаллиги хамда совуққа чидамсиз.

Мускат узбекистанский. Кечпишар (сентябр охирларида пишади). ВИРнинг ўрта Осиё тажриба станциясида Каттақүрғон ва Мускат александрийский навларини чатишириб етиштирилганда (Негруль А.М., Журавель М.С.). Барги ўртача, тұғарак, беш бұлакли, бироз кертикли, оч яшил, усти тұрсымон буришган, туксиз. Гули икки жинсли. Узум боши ката (550-650 г), конуссимон, күп шингилли, ўртача зич. Ғужуми йирик, тескари тухумсимон, күкиш-сариқ, сер эт, сершира, мускат хилли, пүсти қалин, карсиллайди. Тупи кучли ўсади. Гектаридан ўртача 350-450 ц хосил беради. Узуми асосан янгилигига истеъмол қилинади. Қоритилса хушбүй майиз беради.

Нимранг (Қирмизка, Ангур калон, Ширбанди). Ўртача кечпишар (сентябр бошларида пишади). Ерта Осиёда, айниқса, Ўзбекистон, Тоҷикистонда кенг тарқалган. Барги ўртача, тұғарак, беш бұлакли, кам кертикли, бироз қалин. Гули функционал үрғочи. Қўшимча чанганишни талаб қиласди. Узум боши йирик (ўртача 400-600 г), кенг конуссимон ёки цилиндровимон, ўртача зич ёки очик. Ғужуми йирик, тескари тухумсимон, оч сариқ, кунгай томони пушти, этдор, ширали, карсиллайди, таъми сал нордон, пүсти дағалроқ. Узоқ жойга юборишга, сақлашга чидамли. Тупи кучли ўсади. Гектаридан ўртача 100-150 ц хосил беради. Қоритиш мүмкін, аммо майизи юқори сифатли бўлмайди.

Октябрский. Кечпишар (сентябр охирлари-октябр бошларида пишади). Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институтининг Ўрта Осиё тажриба станциясида Нимранг ва Караманий навларини чатишириб етиштирилган (Негруль А.М., Журавель М.С.). Айниқса Тошкент ва Самарқанд вилоятларида кенг тарқалган. Барги ўртача, тұғарак, беш бұлакли, оч яшил. Гули икки жинсли. Узум боши катта (ўртача 450-500г), цилиндровимон. Ғужуми йирик, тухумсимон, пушти, ғубор билан қопланган, сер эт, сершира, пүсти қаттиқ, карсиллайди. Тупи кучли ўсади. Гектаридан ўртача 250-300 ц хосил беради. Узоққа жўнатиш, сақлашга чидамли.

Паркент (Пушти паркати). Ўртача кечпишар (август охири-сентябр рталарида пишади). Халқ селекцияси томонидан яратилган. Асосан Тошкент вилоятининг паркент ва охангарон тоғ олди зоналарида тарқалган. Барги ўртача, тўғарак, бироз кертикли, усти хира, сарғиш-яшил, тўрсимон. Гули икки жинсли. Узум боши катта (ўртача 500-700 г), цилиндр-конуссимон, ўртача зич. Ғужуми йирик, думалоқ-овалсимон, тўқ қизил, сер эт, сершира, пўсти қалин, ғубор билан қопланган. Тупи кучли ўсади. Гектаридан ўртача 150-200 ц хосил беради. Сақлашга чидамли. Сифатли вино тайёрлаш мумкин.

Султони. Кечпишар (сентябр ўрталарида пишади). Халқ селекцияси томонидан яратилган. Айниқса Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кўп учрайди. Барги ўртача, тўғарак, кам кертикли, уч бўлакли, оч яшил, бироз буришган. Гули икки жинсли. Узум боши йирик (650-750 г), конуссимон, тифиз. Ғужуми йирик, овалсимон, тўлиқ пишганда тиниқ сариқ, кунгай томони жигарранг, сер эт, сершира, пўсти юпқа, карсиллайди, таъми асал мазасини беради. Тупи кучли ўсади. Гектаридан ўртача 150-200 ц хосил олиш мумкин. Қишида сақлаш, вино ва майиз тайёрлаш учун фойдаланилади.

Сурхак китабский. Эртапишар (июлда пишади). Халқ селекцияси томонидан яратилган. Самарқанд, Тошкент, Сурхондарё вилоятларида кўп учрайди. Барги ўртача тўғарак, яшил, туксиз. Гули икки жинсли. Узум боши катта (450-500 г), конуссимон, ўртача зич. Ғужуми йирик, овалсимон, тўқ пушти, серэт, сувли, карсиллайди, хушхўр. Тупи кучли ўсади. Гектаридан ѡертача 150-200 ц хосил беради. Узуми асосан янгилигига истеъмол қилинади.

Пушти тойифи. Кечпишар (сентябрда пишади). Келиб чиқиши Аравиядан. Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистоннинг барча вилоятларида кенг тарқалган. Барги ўртача, тўғарак, чуқур кертикли, беш бўлакли, тўқ яшил, орқа томонида томирлари бўйлаб калта туклари бор. Гули икки жинсли. Узум боши катта ва жуда катта (ўртача оғирлиги 700-900 г ва ундан ортиқ), конуссимон, ўртача зич. Ғужуми йирик, чўзинчоқ овалсимон, тепасида узунчоқ ўйифи бор, пишиб етилганда пушти ранг, пўсти қалин, силлик, этдор, карсиллайди, хушхўр, узоқ жойга юборишга, қишида сақлашга чидамли. Тупи кучли ўсади. Гектаридан ўртача 150-220 ц хосил беради.

Хусайнни (Оқ хусайнни). Ертапишар (августда пишади). Келиб чиқиши Аравиядан. Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонда қадимдан ўстирилади. Айниқса, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Бухоро вилоятларида кўп учрайди. Барги ўртача, тўғарак, ўртача кертикли, уч-беш бўлакли, усти силлик, майнин, юпқа. Гули икки жинсли. Узум боши катта ва ўртача (300-350 г), конуссимон, шингиллари кўп. Ғужуми йирик, узунчоқ овалсимон ёки цилиндрсимон, сарғиш яшил, сершира, карсиллайди, пўсти юпқа, хушхўр. Тупи кучли ўсади. Гектаридан ўртача 130-150 ц хосил беради. Узуми асосан янгилигига истеъмол қилинади. Қуритилганда «авлон» деб аталувчи майиз беради. Хусайнининг Мурчамиён хусайнни, Келин бармоқ

хусайни, Бигизи хусайни, Калта хусайни, Эгри хусайни, Қизил хусайги каби хиллари бор.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ:

1. Очилов Р.О., Сагдуллаев А.У. Раҳматов А.А., Маматов К.Ш., Жалилов А.А. ва Маҳмудов О.Х. Токзорларни касаллик ва зааркунандалардан ҳимоя қилиш бўйича тавсиянома. Тошкент – 2016
2. Раҳматов А.А., Жалилов А.А. Токнинг антракноз касаллигига қарши юқори самарадор фунгицидлар. “Агроилм”. Тошкент – 2017.- №5 (49).
3. Куйлибаев И.Т., Арзуманов А.Ш., Хасанов Х., Абдумухторов С. Токзорларда йил фаслларида ўтказиладиган асосий ишлар ва ток касалликларига қарши кураш чоралари. Тавсиянома. Тошкент – 2019
4. Туркия Республикаси Озиқ-овқат қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда “Denizbank” ҳамкорлигига тайёрланган “100 та китобдан” иборат тўплами.